



LABOR ACTIVITY OF WORKING WOMEN AND THEIR IMPACT ON THEIR SOCIAL CONDITION IN THE CONDITIONS OF SOVIET INDUSTRIALIZATION (1925-1941)

Dilafruz Abdimannobovna Iymanova

Candidate of Historical Sciences, Associate Professor

Acting Professor of the "University of economics and pedagogy" private higher educational institution

Tashkent, Uzbekistan

Kozimjon Ibragimovich Kambarov

Associate Professor of the "University of economics and pedagogy"

private higher educational institution

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Soviet industrialization, working women, personnel policy, social protection system. ideological education. party organizations, Soviet model of gender policy, working conditions in industrial enterprises, administrative and management mechanisms, social mobility, industrial modernization, centrally planned economy, formation of the working class.

Received: 27.04.26

Accepted: 28.04.26

Published: 29.04.26

Abstract: This article provides a comprehensive analysis of the labor activity of working women in the conditions of Soviet industrialization and the impact of this process on their social status from the point of view of personnel policy. The study, based on archival documents and statistical data, shows that in the period 1925–1940, as a result of the sharp increase in the demand for labor in the conditions of the rapid development of industry, the mass involvement of women in the production sector was formed as a political and economic necessity. According to the results of the study, although the participation of working women in production was an important factor in ensuring the operation of industrial enterprises, the lack of adequate working conditions, household support, and social guarantees for them caused a number of problems. At the same time, the special attention paid by party organizations to training "socially and politically active" personnel from among women indicates that they have become a means of ideological influence.

**СОВЕТ ИНДУСТРИАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА ИШЧИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ
МЕХНАТ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ АҲВОЛИГА ТАЪСИРИ
(1925-1941 йиллар)**

Дилафруз Абдиманнобовна Ийманова

Тарих фанлари номзоди, доцент.

University of economics and pedagogy НОТМнинг профессори

Тошкент, Ўзбекистон

Козимжон Ибрагимович Камбаров

University of economics and pedagogy НОТМнинг доценти

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит	сўзлар:	Совет	Аннотация:
индустриаллашуви, кадрлар сиёсати, мафкуравий тарбия, гендер сиёсатининг совет модели, саноат корхоналарида маъмурий-бошқарув ижтимоий модернизация, иқтисодиёт, шакллантириш.	мехнат шароити, механизми, ижтимоий мобиллик, марказлашган ишчи	шоароити, механизми, индустриал режали синфини	Аннотация: Мазкур мақолада совет индустриаллашуви шароитида ишчи хотин-қизларнинг меҳнат фаолияти ва ушбу жараённинг улар ижтимоий аҳволига кўрсатган таъсири кадрлар сиёсати нуқтаи назаридан комплекс таҳлил этилган. Тадқиқот 1925–1940-йилларда саноатни жадал ривожлантириш шароитида ишчи кучига бўлган талабнинг кескин ортиши натижасида хотин-қизларни ишлаб чиқариш соҳасига оммавий жалб этиш сиёсий-иқтисодий зарурат сифатида шаклланини архив ҳужжатлари ва статистик маълумотлар асосида ёритади. Тадқиқот натижаларига кўра, ишчи хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги иштироки саноат корхоналари фаолиятини таъминлашда муҳим омил бўлган бўлса-да, уларнинг меҳнат шароити, маиший таъминоти ва ижтимоий қафолатлари етарли даражада шаклланмагани қатор муаммоларни келтириб чиқарган. Шу билан бирга, партия ташкилотлари томонидан хотин-қизлар орасидан “ижтимоий-сиёсий фаол” кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилиши уларни мафкуравий таъсир воситасига айлантганини кўрсатади.

**ТРУДОВАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ РАБОТАЮЩИХ ЖЕНЩИН И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА
ИХ СОЦИАЛЬНОЕ ПОЛОЖЕНИЕ В УСЛОВИЯХ СОВЕТСКОЙ
ИНДУСТРИАЛИЗАЦИИ (1925-1941 ГГ.)**

Дилафруз Абдиманнобовна Ийманова

Кандидат исторических наук, доцент

и.о. профессора университета “University of economics and pedagogy”

Ташкент, Ўзбекистон

Козимжон Ибрагимович Камбаров

Доцент университета “University of economics and pedagogy”

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

<p>Ключевые слова: Советская индустриализация, работающие женщины, кадровая политика, система социальной защиты, идеологическое воспитание, партийные организации, советская модель гендерной политики, условия труда на промышленных предприятиях, административно-управленческие механизмы, социальная мобильность, промышленная модернизация, централизованно-плановая экономика, формирование рабочего класса.</p>	<p>Аннотация: В данной статье представлен всесторонний анализ трудовой деятельности работающих женщин в условиях советской индустриализации и влияния этого процесса на их социальный статус с точки зрения кадровой политики. Исследование, основанное на архивных документах и статистических данных, показывает, что в период 1925–1940 годов в результате резкого увеличения спроса на рабочую силу в условиях быстрого развития промышленности массовое вовлечение женщин в производственный сектор сформировалось как политическая и экономическая необходимость. Согласно результатам исследования, хотя участие работающих женщин в производстве являлось важным фактором обеспечения функционирования промышленных предприятий, отсутствие адекватных условий труда, поддержки в быту и социальных гарантий для них порождало ряд проблем. В то же время, особое внимание, уделяемое партийными организациями подготовке «социально и политически активных» кадров из числа женщин, свидетельствует о том, что они стали средством идеологического влияния.</p>
---	---

Кириш. Совет индустриал тараққиёти жараёнида ишчи хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва уларнинг ижтимоий аҳволида рўй берган ўзгаришлар масаласи мазкур давр ижтимоий-иқтисодий трансформацияларини чуқур англашда муҳим илмий аҳамият касб этади. Индустриаллаштириш сиёсатининг амалга оширилиши нафақат ишлаб чиқариш муносабатларини, балки жамиятнинг ижтимоий тузилмасини, жумладан гендер муносабатлари тизимини ҳам тубдан қайта шакллантирди. Шу нуқтаи назардан, ишчи хотин-қизлар масаласи совет иқтисодий сиёсати доирасидаги алоҳида ижтимоий феномен сифатида таҳлил қилиниши лозим.

Адабиётлар шарҳи: Мазкур тадқиқотни амалга ошириш жараёнида 1925–1940-йилларда Ўзбекистонда халқ хўжалигида хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш ва бошқа масалалар ўрганилади. Хусусан, А.Ахунова, Г.Шистер, Ш.Зиёмов, Ф.Х.Қосимов,

К.О.Оқиловлар 1925-1941 йилларда республикада амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришларда халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги, кадрларга бўлган эҳтиёжнинг икки томондан, яъни собиқ СССРнинг марказий туманларидан юборилган малакали ишчи ва техник кадрлар, иккинчи томондан эса турли махсус курсларда маҳаллий миллат вакиллари ўқитиш орқали бирмунча кадрлар эҳтиёжи қондирилганлигини ёритади.

Шунингдек, мустақиллик даврида олиб борилган илмий тадқиқотлар мазкур муаммони комплекс тарзда ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Р.Х.Муртазаева, Д.А.Алимова, Д.Б.Бобожонова, Д.Зияева, Я.А.Абдуллаева, С.Турсунов, С.Шодмонова, Д.А.Ийманова каби олим ва олималарнинг ишларида Ўзбекистонда совет бошқарув тизимининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, унинг мафкуравий асослари ҳамда марказлашган ҳокимият механизмининг моҳияти илмий таҳлил қилинган. Ўзбекистондаги бошқарув тизими, кадрлар салоҳияти ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга кўрсатган таъсирини очиб бериш бугунги тарихшунослик олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Муҳокама ва натижалар. Совет ҳукумати ва коммунистик партия XX аср бошларида хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор берди. Мамлакатнинг саноатлашуви таъсирида ишчи кучи етишмаслиги, арзон ишчи кучи сифатида хотин-қизлар меҳнатидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинди. “Тенглик ғояси” тарғиби таъсирида, илгари эркаклар меҳнат қилаётган иш ўринларида аёллар меҳнати кенгайиб борди. Маҳаллий хотин-қизларни ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш, аввало ўша давр тузумининг иқтисодий базасини мустаҳкамлаш учун зарур эди. Иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасида совет ҳукумати ва партия олдида қўйган катта вазифаларни аёллар оммасини бу ишга кенг жалб қилиш орқали муваффақиятли бажариш мумкинлигини архив маълумотларда келтиради[1].

1925 йил ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларни “озод қилиш муаммоси” тарғиботи алоҳида ўрин эгаллаган. Шунинг учун ҳам маҳаллий миллат хотин-қизларини “озод қилиш”, ва уларни ҳар жабҳада эркаклар билан “тенгҳуқуқлилигини” таъминлашнинг бутун бир тизими ишлаб чиқилди. Совет ҳокимияти “паранжидан” озод бўлган хотин-қизларни саноатнинг барча соҳасига жалб қилишни истиқболлий вазифа қилиб белгилади. Шу мақсадда маҳаллий хотин-қиз кадрлардан ишчилар синфини тўлдиришга киришилди[2]. Партия аъзоларига партиясиз оммага намуна бўлишлари учун ўз аёллари, қизлари ва бошқа оила аъзоларидан паранжи ечиш талаби мажбурий бўлиши уқдирилган[3]. Оммавий тарғиботда аёлларни озод қилишнинг моҳияти аниқ

тушунтирилиши кераклиги, яъни ёш қизларни эрта турмушга беришдан асраш, уларни озод қилиш учун зарур шароитларни яратиш бўйича ишлар партиянинг барча ташвиқот-тарғибот ишларининг асосий йўналишларидан бири эканлиги, бу масалаларни ҳал қилишда фақат паранжи ечишга эмас, аёлларнинг бошқа турдаги қарамлик ҳолатларига ҳам эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланган[4]. Миллий республикалар, жумладан Ўзбекистон шароитида, мазкур жараён янада мураккаб ижтимоий ва маданий омиллар таъсирида кечди. Хотин-қизларни саноат меҳнатига жалб этиш анъанавий жамият тузилмалари, оилавий муносабатлар ва миллий қадриятлар билан ўзаро таъсирга киришди. Натижада ишчи хотин-қизларнинг ижтимоий мақоми ошгани ҳолда, уларнинг икки қарра ижтимоий юкмаси- ишлаб чиқаришдаги меҳнат ва оилавий мажбуриятлар янада кучайди.

Тадқиқ этилаётган давр иттифокнинг саноатлаштириш сиёсатини республика шароитида хотин-қизларга муносабат масаласидаги кескин бурилиши Ўзбекистон КП (б) Бухорода бўлиб ўтган 1 съездида (1925 йил, 8 февраль) қабул қилинган “Хотин-қизлар ўртасида ишлаш тўғрисида”ги резолюциядан сўнг бошланганлигини кўришимиз мумкин. Унда “Ҳеч бир ташкилот, корхона аёлларсиз бўлмаслиги керак” шиори асос қилиб олинди. Партиянинг Ўзбекистонда меҳнаткаш хотин-қизлар оммаси ўртасидаги фаолиятидаги асосий вазифаси кўпхотинликка, вояга етмаганлар қизларни никоҳига қаршилиқ, паранжи кийишга қарши курашишдан иборат бўлган[5]. Бундан мақсад, 1925 йида таркиб топган советлар ҳукуматининг моддий базасини мустаҳкамлаш бош масала эканлигидан келиб чиқиб, маданий савиясини ошириш, маҳаллий миллат хотин-қизларидан ишчи кадр яратиш, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигида аёллар меҳнатининг салмоғини оширишни кучайтиришдан иборат эди[6]. Дастлаб малакасиз ва кам ҳақ тўланадиган жойларда бу ҳолат кўринса, кейинчалик таълим йўналишларида малакали хотин-қизларни тайёрлаш натижасида инженер-техник ходимлар орасида аёллар ўсиши кузатилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам аёлларнинг меҳнат қилиши сезиларли кўпайди. Шунингдек, хотин-қизлардан компартия сиёсатини тарғиб қилиш учун “ижтимоий-сиёсий фаол” ходимлар тайёрлашни янада жадаллаштириш мақсадида кўплаб қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди. Бу ўринда шу нарсага эътибор бериш керак-ки, марказ кўрсатмаси билан, синфийлик нуқтаи-назар ёндашуви асосида хотин-қизлардан фаол раҳбар ходимлар тайёрлаш вазифаси саводсиз, тегишли малака ва кўникмага эга бўлмаган, шунингдек, камбағал оиладан чиққан хотин-қизлар ҳисобига бажарилган. 1926 йил 1 январда Тошкент тикувчилик фабрикаси, Фарғона тўқувчилик корхоналарида 1600 нафар ўзбек хотин-қизлари ишлар эди. 1926 йил якунида республика

бўйича 16 та йирик хотин-қизлар артелларида 814 та маҳаллий аёллар аъзо бўлган бўлса, 1929 йилга келиб эса 50 артелда 4258 хотин-қиз ишлай бошлади[7]. Аёллар тўқувчилик корхоналарида 15 рублдан 70 рублгача ойлик олган[8]. Хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик вазифаларига жалб этилиши аниқ даражада етарли эмаслиги кўринган, 1927-йил 1-апрел ҳолатига кўра улар барча ходимларнинг 16,1 фоизини ташкил этди (корхона ва муассасаларда банд бўлган 104399 нафар аёлдан 16891 нафари). 1927 йил феврал-март ойларида ишлаб чиқариш-хўжалик комиссияларининг таркибини ўрганилганда, архив маълумотларга кўра, аёлларнинг иштироки бундан ҳам камроқ, бор-йўғи 9%ни ташкил этган[9]. Мазкур статистик маълумотлар аёллар меҳнатига тўланадиган иш ҳақининг нисбатан паст ва нотекис бўлганини кўрсатиб, уларнинг иқтисодий мавқеи барқарор эмаслигини англатади. Шу билан бирга, хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик бошқаруви жараёнларидаги иштироки етарли даражада таъминланмаган. Хотин-қизларнинг саноат соҳасидаги иштироки кенгайган бўлса-да, уларнинг ижтимоий-иқтисодий мақоми ва бошқарув жараёнларидаги роли чекланган ҳолда сақланиб қолгани илмий жиҳатдан кўринади.

Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантириш учун саводхон, омма орасида обрўё қозонган маҳоратли маҳаллий миллат хотин-қизлар орасида ташкилотчилик ишини юксак даражага кўтаришни талаб қиларди. Бу даврдаги муҳим вазифалардан бири ишчи ва деҳқон хотин-қизларни совет, касаба уюшма, кооперация қурилишига жалб қилиш, бу соҳада кўлга киритилган мувафақиятларни янада кенг ёйиш ва мустаҳкамлашдан иборат эди[10]. Аёллар орасидаги ишларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш, делегатлар йиғилишлари, оилавий кечалар, клублар, кизил бурчаклар орқали амалга оширилиши кераклиги, аёллар фаоллари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим, партия айнан уларнинг ёрдамида партиясиз аёллар оммаси билан боғланиб, бошланган ишларни муваффақиятли давом эттириши мумкинлиги уқтирилган[11].

1925 йилда Ўзбекистон советларининг III курултойи бўлиб, унда Й.Охунбобоев “Хотин-қизларни озодликка чиқариш тўғрисида” маъруза қилди. Қурултойнинг мазкур масаласи юзасидан қабул қилинган қарорида таъкидланишича тезлик билан ишчи, батрак, камбағал хотин-қизларни совет, хўжалик ва кооператив органларга кўтариш ва кўтарганларга эса ишлашлари учун зарур шарт-шароит яратиш бериш лозим. Бунда асосан маҳаллий миллатга мансуб хотин-қизларга эътибор бериш лозимлиги таъкидланди[12]. Ҳукумат меҳнаткашларни давлат аппаратида ишлашга жалб этиш хусусидаги кўрсатмаларини бажариш мақсадида 1925-1926 йилларда оммавий тартибда волостларда, уездларда ва округларда йиғилишлар ўтказилди. Хотин-қиз ишчи ва деҳқонларнинг

курултойлари бўлди. 1925 йилга келиб Ўзбекистон совет аппаратларининг куйи органларида 200 нафар аёл ишлаган. Шу йилнинг февраль-ноябрида раҳбарлик ишига 110 киши кўтарилди. Улар ичида маҳаллий миллат вакиллари кўп эди[13]. Уларнинг муайян қисми хотин-қизлардан иборат эди. Шу давр мобайнида ЎзССР МИКга 11 хотин-қиз сайланган бўлиб, уларнинг 9 нафари ўзбек хотин-қизлари эди. Дастлабки йилларда совет маъмурлари аёллар меҳнатидан фойдаланишда эҳтиёткор бўлиб, зарарли, оғир меҳнат талаб қиладиган соҳаларга жалб этмади. Аммо аёлларни эркаклар билан ҳар жабҳада “тенглаштириш” сиёсати устунлиги кўринди.

Республикада хотин-қизларга муносабат масаласи Ўзбекистон Компартиясининг I съездида (1925 йил, февраль) қабул қилган “Хотин-қизлар ўртасида ишлаш тўғрисида”ги резолюциядан сўнг бошланди. Маҳаллий хотин-қизларнинг “ижтимоий фаоллигини” ошириш мақсадида қисқа вақт ичида деҳқон хотин-қизларнинг Бутун Ўзбекистон курултойи, (1925 йил март), 2 марта хотин-қизлар бўлимлари мудирларининг кенгаши (1925 йил, август), ўқитувчи хотин-қизларнинг I Тошкент конференцияси (1926 йил апрел), Ўрта Осиёдаги хотин-қизлар клублари ва қизил бурчак ходимларининг II кенгаши (1926 йил апрель) ва бошқа тадбирлар ўтказилди[14]. 1925 йил мартдан 1926 йил мартгача хотин-қизлар клубларининг сони 11 тадан 32 тага, аъзолар сони 920 тадан 3000 тага етди. 1925 йилда Ўзбекистонда советлар таркибида хотин-қизлар 6,6 фоизни ташкил қилиб, марказий ва вилоят хотин-қизлар бўлимларининг 50 фоизи маҳаллийлашган эди. 1926 йилда аёлларни советлар сайловига жалб этиш ишлари Ўзбекистон учун мисли кўрилмаган миқдос касб этди. 30395 нафар хотин-қиз иштирокида 425 та сайловолди хотин-қизлар йиғилиши ташкил этилди. Компаниянинг барча ташвиқот материалларида ишлайдиган аёллар масаласи ўрин олган. Бундан ташқари, фақат фермерлар ва ишчиларни кенгашлар иштироки ва ишига жалб қилиш масаласига бағишланган материаллар чоп этилди. Тарғиботда хотин-қизлар, хотин-қизлар бўлимлари фаол иштирок этишди[15]. Советлар маҳаллий миллат аёлларидан партия сафларини тўлдириб, ўз тарафдорлари сонини ортишига эришдилар. Бунда ўзбек аёлларининг қалбидаги ватанпарварлик, шижоат, ташаббускорлик каби ҳис-туйғуларнинг юқорилиги сабаб бўлган. Чунки аёллар социалистик ғоялар халқ манфаатларига мос тушади деб ишонганлар. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, раҳбар лавозимларга кўйилган аёлларнинг малакаси ва саводи паст бўлди. Марказ кўрсатмаси билан, синфий ёндошув асосида фақат “батрак ва камбағал хотин-қизлардан фаол раҳбар ходимлари тайёрлаш вазифаси” саводсиз, махсус малака ва кўникамага эга бўлмаган хотин-қизлар ҳисобига бажарилди. Колхоз аъзоларида аёллар

таркибининг саводхонлик даражаси 0,7% ни ташкил қилган. Колхозларни маданий-маиший иншоатлар билан таъминлаш ҳолати қониқарсиз аҳволда бўлган[16].

1925 йил июндаги РКП (б) МҚ ташкилий бюросининг “Совет шарқи хотин-қизлари ўртасида ишлар бўйича вазифалар ҳақида”ги қарорига мувофиқ совет ҳукуматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида маҳаллий миллат хотин-қизларини саноатга кенг жалб этишга киришилди. Совет сиёсатининг хотин-қизлардан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш учун 1925 йил 4 июнда ЎзКП (б) МҚ ва ЎзССР Меҳнат Халқ комиссари таркибида хотин-қизлар меҳнатини ўрганувчи марказий Комиссия тузди. Марказий Комиссия саноатда ишлаётган хотин-қизлар меҳнатини ўрганиб чиққанда республика бўйича 1925 йилда ишчиларнинг 4680 таси (1600 таси ўзбек), яъни 9,7 фоизини аёллар ташкил қилган. 1926 йил 1 январда Ўзбекистон корхоналарида 1600 хотин-қиз ишлаган. Булар асосан, Тошкентда тикувчилик, Фарғонада тўқувчилик корхоналари эди. ВКП (б) Марказий Қўмитаси ташкилий бюросининг “Шарқ ишчи деҳқон ва меҳнаткаш аёллари орасида олиб бориладиган ишнинг навбатдаги вазифалари тўғрисида”ги қарорида хотин-қизлар озодлигига қаршилик кўрсатувчи реакцион элементларга қарши курашни кучайтириш, аҳолининг хотин-қизлар қисми ўртасида социалистик турмуш тарзи тарғиботини ошириш зарурлиги таъкидланган. Маҳаллий хотин-қизлар ўртасида қуйидаги йўналишларда иш олиб бориш таъкидланган:

- Уларни партия ва совет, профессионал ва кооператив қурилишга имкон қадар кўпроқ жалб этиш;

- Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда эркаклар билан баровар иштирок этиши учун ёрдам берадиган муассасаларни ривожлантириш;

- ишчи ва деҳқон аёллар ўртасида коммунистик мафкуравий ишларни кучайтириш;

- Ишчи аёлларнинг малакали меҳнатини кучайтириш, уларни ишлаб чиқариш соҳаларига кенг жалб этиш[17];

Совет ҳукуматининг янги иқдисодий сиёсати туфайли хотин-қизларни саноат ишлаб чиқаришига жалб қилиш янада кенг тус олди. Айниқса, хунармандчилик саноат кооперацияси таркибида хотин-қизлар ўртасида иш олиб боровчи инструктор лавозимининг тасдиқланиши бу жараёни янада тезлаштирди. Инструкторлар мунтазам равишда ойлик йиғилишлар ва слётлар уюштириш орқали ўзининг ташкилий фаолиятини кучайтирди. Натижада, 1925 йилда фақат Тошкент вилоятида 2632 нафар хотин-қиз саноат кооперациялари корхоналарида меҳнат қилди. Лекин мавжуд ижтимоий турмуш

тарзи, мафкуравий жихатдан дин таъсири совет ҳукумати ва коммунистик партиянинг хотин-қизлардан иқтисодий мақсадда фойдаланишига имкон бермас эди.

Кўп ҳолларда хотин-қиз ишчи ва деҳқонларни кўтаришда ушбу корхоналарнинг ишчи-ходимлари қишлоқ ва овулларнинг батрак камбағал оммаси иштирок этмаган[18]. Мазкур масалани тўғри ва сифатлироқ ҳал этишда хотин-қизлар орасидан раҳбар лавозимларга кўтариш муаммоларига бағишланган 7-ўлка кенгаши катта аҳамиятга эга бўлди[19].

Архив манбаларда коммунистик партиянинг олиб борган миллий сиёсати миллий ўлкаларнинг иқтисоди ва маданиятида кескин ўсишни таъминлаганлиги, шарқ хотин-қизлари тенг ҳуқуқлилиги ва турмушини яхшилашга қаратилган ишлар амалга оширилиши учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги алоҳида таъкидланган[20].

1925 йил март ойида РКП (б) МҚ Ўрта Осиё бюроси махсус резолюцияси қабул қилиб, “хотин-қизлар саводсизлиги республиканинг хўжалик ва маданий ривожига тўсиқ бўлаётгани, улар саводсизлигини тугатиш нафақат хотин-қизлар бўлими, балки жойлардаги барча партия ташкилотлари, республика маориф органининг ҳам вазифаси” эканлигини таъкидлади. Саводсизликни тугатиш мактабларининг тингловчилари бўлган хотин-қизлар алоҳида имтиёзларга эга эди. Улар маоши тулиқ сақланган ҳолда 2 соат олдин ишдан рухсат бериларди. Тиббиёт консултациялари, болалар боғчалари даставвал шу мактабда ўқиган аёлларга хизмат кўрсатарди. 1926-1927 йилларда 54 та мактабгача таълим муассасаси бўлиб, уларда 2482 нафар тарбияланувчи бор эди[21]. Шунга қарамай маҳаллий хотин-қизларни ўқишида сустлик бўлди. Хотин-қизларни ишлаб чиқаришга кўпроқ жалб этиш, улардан малакали ишчилар, раҳбар ходимлар тайёрлаш мақсадида, ҳунар билим юртлари, фабрика- завод таълими, ишчи мактабларига ҳам алоҳида эътибор берилди бошлади. Бироқ, ўқиш ва иш жараёнида хотин-қизлар салмоғи жуда секинлик билан борганлиги тўғрисида, ўқувчиларни жалб этиш муаммоси маъмурий йўллар билан ҳал қилинди. 1926-1927 ўқув йили охирига келиб, биринчи босқичдаги аёллар мактаблари тармоғи 138 муассасага кўпайиб, уларда маҳаллий миллатлардан 7843 нафар ўқувчи таълим олган, жумладан, 58 та ўзбек мактабида 1623 нафар ўқувчи бор эди. Бундан ташқари, аралаш мактабларда маҳаллий миллатлардан 2098 нафар қиз таълим олган. 8 ёшдан 11 ёшгача бўлган мактаб ёшидаги болаларнинг 27,8 фоизи мактабга қамраб олинган, лекин мактаб ёшидаги қизлар фақат 15 фоиз қамраб олинган[22]. 1927-1928 ўқув йилига келиб ФЗУлардаги 165 хотин-қиз ёки барча ўқувчиларнинг 12,2% таълим олди. Бундан ташқари, 1927 йилдан Ўзбекистонда индустриал-техника мактаблари ташкил этиш жараёни ҳам бошланди. Шу йили республикамизда атиги 117 хотин-қиз шундай

мактабларда хунар ўрганди. 1927 йилда маҳаллий хотин-қизларнинг саводхонлик даражаси 3,6 фоизни, қишлоқда 1 фоизни ташкил этди. Шунинг учун “Хужум” ҳаракати туфайли бу жараёнга эътибор кучайтирилиши натижасида 1926-1927 йилларда бу каби мактаблар 155 тага етди, 4605 нафар хотин-қиз савод чиқарди. Бироқ ижтимоий ҳолатлар, жумладан, қизларни эрта турмушга бериш, аёлларни таълим олишига оила аъзоларининг қаршилиги ва бошқа сабаблар билан мактабларни ташлаб кетиш ҳоллари мунтазам давом этган. Бу ҳолат 1929-1930 ўқув йилларида шаҳарларда 30 фоиз, қишлоқларда 60 фоизгача ташкил этган. Натижада советларнинг хотин-қизларнинг саводсизлигини тугатиш режаси амалга ошмади.

1929 йил 17 майда ВКП (б) МҚ “Саводсизликни тугатиш бўйича ишлари ҳақида”ги қарори ва 1929 йил августда ЎзССР МИҚ қароридан сўнг саводхонлик учун кураш авж олди. Қишлоқ аҳолисини саводсизлигини тугатиш мақсадида 350 минг деҳқонларни саводли қилиш режалаштирилди. Ва шу мақсадда 25 мингчилар сафарбарлиги бошланди. 1931 йилда 175900 хотин-қиз саводсизликни тугатиш мактабларида таълим олган бўлсалар, 1933 йилда 286400 га етди. Ишлаётган хотин-қизларга имтиёзлар берилди. Натижада биринчи беш йиллик даврида 808000 аёллар савод чиқарди[23].

Аёлларни давлат бошқарув органларига жалб қилишда Ўзбекистон ишчи ва деҳқон хотин-қизларининг 1-съезди (1927 йил сентябрь) ҳамда Шарқ аёллари ва миллий озчиликларнинг орасида иш олиб бораётган Бутуниттифоқ кенгаши (1928 йил) муҳим ташвиқот ролини ўйнади. Лекин кўплаб фаол аёллар озодлик, ишлаши, таълим олиши йўлида жонларини фидо қилганлар. 1927-1928 йиллар ичида республикада 2500 дан зиёд аёллар оталари, эрлари, акалари томонидан ўлдирилган[24]. Жамият аёллар аҳволи ва мақоми ўзгаришига қийинчилик билан мослашган. Аёллар эркинлигига қарши бўлган оилалар энг кескин чораларгача борган. Аҳоли ўртасида хотин-қизлар ҳуқуқларини чеклашга, ҳаётдаги янгиликлар билан курашишга, “Хужум” ҳаракати фаоллари ва иштирокчиларига қарши курашишга даъват этувчи варақалар тарқатилди[25]. Жараённинг бундай фожиали кечишига бир нечта ижтимоий ва тарихий омиллар таъсир қилади:

Биринчидан, узок йиллик турмуш тарзи, диний-маданий, ахлоқий меъёрлар, жинсларнинг ижтимоий мақоми қонунлари бўйича яшовчи жамият амалда “аёллар тенглигини” англашга ва тезкорлик билан ўзгаришга қодир эмас эди. Жамият онгини ўзгартириш учун вақт ва сабб-ҳаракатлар зарур эди.

Иккинчидан, хотин-қизларни озод этиш бўйича маъмурий тазйик, радикал чоралар, уларнинг жамият ҳаётига жалб этилиши, айниқса

“Хужум” ҳаракатида йўл қўйилган шошма-шошарлик, тезлик оқибатидаги хатолар жараённинг салбий оқибатлар келтириб аёллар ўлимини кўчайтирди.

Учинчидан, Ўзбекистонда янги гендер муносабатларининг шаклланиши совет давлати томонидан (собик Совет Иттифоқининг бошқа республикалардаги каби) хотин-қизларга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тенглик берган социалистик тузум афзалликларининг исботи сифатида амалга оширилган. Жинслар тенглиги ғояларининг рўёбга чиқиши янги жамиятнинг адолатлилигини исботлашга қаратилган эди.

Тўртинчидан, хотин-қизларнинг кўплаб ҳуқуқлари ва эркинликлари кўз-кўз қилиш тусига эга бўлганига қарамай, маиший ва ижтимоий тафаккурда аёллар тақдирининг азалдан белгиланганлиги тўғрисидаги

фикрлар сақланиб қолди. Лекин шунга қарамай, аёллар иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга киришиб кетган. “Хужум” ҳаракати туфайли хотин-қиз бўлимлари ҳуқуқий муассаса аҳамиятни ола бошлади. Натижада “суд жараёнларида хотин-қизлар бўлими махсус вакиласи аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи сифатида иштироқ этиб, “халқ маслаҳатчилари” мақомига эга бўлди. Совет давлати маъмурияти фикрича, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилиши уларнинг амалда озод қилинишининг асосий омилдир. Шу боис ҳам қишлоқ ва шаҳар аёлларини ишлаб чиқаришга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Аёллар меҳнати қўлланиладиган ишлаб чиқаришнинг асосий соҳаси қишлоқ хўжалиги ҳисобланган. 1927-1928 йилларда Ўзбекистонда 30 та қишлоқ хўжалиги далачилиқ ва бошқа турдаги аёллар артеллари тузилди[26].

1930 йилда қишлоқ хўжалиги ишчи кучининг 80 фоизини аёллар ташкил этган. Корхоналар қошида болалар муассасалари тармоғи яратилди. Уларда тарбияланадиган болалар сони 91 минг нафарга етди[27]. Бу она-аёлларга ишлаб чиқаришда ишлаши учун имконият яратди. Шу тариқа совет ҳокимиятининг маҳаллий миллатга мансуб аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш борасидаги кўрсатмаси бажарилди. Хотин-қизлар клублари ва қизил бурчаклар фаолиятида ҳам, ўзбек аёллари ва маҳаллий миллат вакилларининг миллий озчиликларидан бўлган аёллар ўртасида иш олиб боришнинг асосий шаклларида бири бўлган[28].

1927 йилда Ўрта Осиё хотин-қизлари ходимларининг V ўлка йиғилиши хунармандчилик кооперацияларидаги хотин-қизлар миқдорининг ўсганлигини маълум қилди. Бу жараён ўз навбатида янги иншоатлар, асбоб-ускуналар заруриятини келтириб чиқарди. Аёллар оғир қўл меҳнатидан енгиллаштириш мақсадида техникалар ҳам киригизилди. Кооператив фаолларини тайёрловчи қисқа муддатли курслар ташкил этилди.

У ерда 7000 хотин-қизлар ўқиди, 200 дан ортиқлари техникум ва олий ўқув юртиларига ўқишга жўнатилди. 600 хотин-қизни партия ташкилотлари кооперациясининг раҳбарлик ишига тортди. 1927-1928 йилларда партияда аёллар сонининг ортиши кузатилди. 1928-йил 1 июль ҳолатига кўра, 34028 нафар коммунистдан, 3029 нафар аёл, бу умумий кўрсаткичнинг 8,9 фоизини ташкил этган[29].

Ҳукумат аёллар меҳнатидан кенгроқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланган. Озиқ-овқат, пахта тозалаш, ёғ-мой, тикувчилик ва полиграфия саноатида аёллар меҳнати жамланган. 1928 йилда СССРда 70%, Ўзбекистонда эса 62,3% аёллар меҳнати билан қамраб олинган бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг барча бўлимлари ва турларида қўлланилган[30]. 1929 йил артеллар сони 50 тага етди. Уларда хотин-қизлар 4258 тага етди. Хотин-қизларни ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш мақсадида улардан малакали ишчилар, раҳбар ходимлар тайёрлаш мақсадида, ҳунар-билим юртилари, фабрика- завод, ишчи мактабларига ҳам алоҳида эътибор берилди бошланди. Бироқ уларда аёллар салмоғи секинлик билан борганлиги туфайли ўқувчиларни жалб этиш маъмурий йўллар билан ҳал қилинди. 1927 йилдан Ўзбекистонда индустриал-техник мактаблари ташкил этиш жараёнлари ҳам бошланди. Шу йили республикада 117 та хотин-қизлар бундай мактабларда ҳунар ўрганди. Айнан шу йили Ўзбекистоннинг барча вилоятларида иқтисодий ёрдамчи комиссиялар тузилди. Уларнинг вазифаси паранжи-чачвондан озод бўлиб, фабрика-заводларга ишлашга интиланган аёлларни иш билан таъминлаш ва ФЗУларга жалб қилишдан иборат эди. Шу сабабли Меҳнат Халқ комиссарлиги 1927-1928 йилги бюджет йилида 50 минг рублни хотин-қизлар таълимини ташкил этишга сарфлашга қарор қилди. Хотин-қизлардан саноат кадрлари тайёрлашда Олий ўқув юртилари ва муассаса, ташкилотлар қошида пайдо бўлаётган ишчи факультетлардан ҳам фойдаланилди. Бироқ мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият хотин-қизларни билим юртиларида кам фойдаланишини кўрсатарди. Аёлларни саноатга кенгроқ жалб қилиш мақсадида болалар боғчалари ва яслилар очилди. 1928-1929 йилларда уларнинг сони 70 дан ошди. Оналар учун аёллар маслаҳатхонаси, она ва бола бурчаклари ташкил қилинди. Сабаби халқ хўжалигида беш йиллик режаларни бажаришда аёллардан ҳам кенг фойдаланиш зарур эди. 1929 йилги маълумотларга кўра ҳар 1000 эркакга 883 та аёл тўғри келган. Ўзбекистонда аёллар камлиги у пайтда аёллар ўлими сонининг юқорилиги билан изоҳланади. Аёллар организмнинг ортиқча зўриқиши, соғлом турмуш тарзининг меъёрида эмаслиги, туғилишнинг физиологик жиҳатдан кўплиги, туғиш жараёнида ҳудудда талаб даражасидаги сифатли тиббиётнинг йўқлиги, оилаларнинг режалаштирмай кўп фарзанд кўришлиги ва бошқа сабаблар бўлган.

Маҳаллий хотин-қизлардан миллий пролетариатни шакллантириш мақсадида уларнинг замонавий техника билимларни оммавий ўзлаштиришга эътибор қаратилди. Ишчи факультетларда аёллар сони орта бошлади. 1929 йилда кўплаб маҳаллий миллат хотин-қизлари ўрта махсус маълумотга эга бўлди. Коммунистик партиянинг хотин-қизларга нисбатан химоялаш сиёсати кенгайди. Бундан кўзланган мақсад уларнинг анъанавий турмуш тарзини, онгини, тафаккурини ўзгартириш, советча турмуш тарзига мослаштириш, аёлларни иқтисодий, сиёсий, саноат жабҳаларига кенг жалб этишдан иборат бўлган. Хотин-қизларнинг миллий кийимларини европалаштириш ҳам кенгайиб борди[31]. Совет ҳукумати хотин-қизлар ишлашни хохлаши, эркаклариди эса аёлларини ишлатишга хохиши йўқлигини, бу эса “феодалларча” қараш эканлигини, ўзбек аёллари фақат “туғиш, тозалаш ва овқат тайёрловчи машина” эмаслиги, улар жамиятда фаол иштирок этиш кераклиги доимий тарғиб қилинди[32]. Аёлларни эркинлаштириш ҳаракати ўсиши ҳали барча жойларни қамраб олинмагани, қишлоқларда фақат бир қисми қамраб олингани, бу борадаги ишлар жойларда суст бораётгани, саноат ривожланиш суръатида ўзбек аёли, ўзига муносиб иш топиб, ўз иқтидор ва кучларини қандайдир фойдали ишга сарфлаши кераклиги таъкидланган[33]. Ҳукуматнинг таърифича, маҳаллий миллатдан бўлган аёлларни меҳнат иттифоқи аъзоллигига жалб қилишнинг суст даражада бўлиши ўзбек аёли ҳали эски турмуш шароитларидан халос бўлмаганлиги билан изоҳланади. Бу ҳолат аёлларни жамоат ишларига жалб қилишни сезиларли даражада қийинлаштиради дейилган. Саноатлаштиришда биринчи навбатда маҳаллий миллат аёлларини жалб этиш кўзда тутилган эди[34].

1930 йилдан кейин мамлакатни бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик тизимининг ўрнатилиши, демократик тамойилларга амал қилмаслик хотин-қизлар масаласига ҳам ўз таъсирини кўрсатди[35]. Уларни саноатга янада кенгроқ жалб этиш мақсадида турли мусобақалар ташкил қилинди. Советлар РКП (б)нинг XIII съездида “Ишчи ва деҳқонлар ўртасида олиб бориладиган иш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Унда партия қўмиталари томонидан шарқ меҳнаткаш аёллари ўртасида олиб бориладиган ишга раҳбарлик қилиш, ишлаб чиқариш, саноат ва партияга жалб этишни кучайтириш” масаласига алоҳида эътибор кучайтирилди[36]. 1930 йилда республикада миллий аёл кадрлар улуши 50,5% ни ташкил этган. 1931 йил охирига келиб эса аёл кадрларнинг улуши пасайиб, 48,4% ни ташкил этган[37]. Аёллар ўртасида ишни олиб бориш ва кучайтириш учун махсус жамғарма ташкил қилинди. Марказ томонидан 1931 йилда 330 аёлни саноатга, 60 тани транспортга, 40 тани қурилиш ташкилотларига, 200 тани

кооперациялар ва 4 тани касаба уюшмаларига, жами 2800 та аёлларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш масаласи кўйилди.

XX асрнинг 30-40 йилларида хотин-қизларнинг билим савияси анча ўсганлиги кўзга ташланади. Бу йилларда маҳаллий хотин-қизлардан саноат ишчи кадрларини тайёрлаш, давлат аппаратларида раҳбарлик лавозимларига жалб этиш, касаба уюшма ва партия аъзоллигига кенг жалб этиш борасида катта ҳаракатлар қилинган. Натижада аёлларнинг фаоллигига эришилди ва уларни ижтимоий қурилишга кенг қўламли жалб қилиш имкониятини ҳам берди[38]. Аёлларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш, уларнинг сиёсий ҳаётда кенг иштирок этишини таъминлаш учун болалар яслиси ва боғчаларни ташкил этишга ҳам эътибор берилган. Шу вақтда мавжуд болалар яслиси 20842 нафар болани доимий, 115000 нафардан ортиқ болани мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари даврида қабул қилган. Болалар майдончаси 226000 нафардан ортиқ болаларнинг фойдаланиши учун яратилди[39]. Саноат корхоналарида ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобига мактабгача тарбия муассасалари ташкил этилди. 1928 йилда 32 ясли бўлган бўлса, 1932 йилда уларнинг сони 2282 тага етди. Уларда 3800 га яқин бола тарбияланган эди. 1932 йилда эса 576 болалар боғчасида 27 мингдан ортиқ болалар тарбияланди[40]. Ўзбекистон ҳукумати томонидан асосан маҳаллий миллатга мансуб хотин-қизларни саноат ишлаб чиқаришига жалб этишга алоҳида эътибор билан қаралган ва бу жараён аёлларни ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш вазифасини ҳал қилувчи ягона реал йўл деб баҳоланган. 1932 йилда ишчи-аёлларнинг бутун саноатидаги улуши 28,2 фоизни, жумладан, маҳаллий миллат вакилларининг улуши 19,3 фоиздан иборат бўлган[41].

1933 йили 2,2 минг нафар хотин-қизлар раҳбар лавозимига кўтарилган бўлса, уларнинг сони 1934 йилга келиб 17,7 минг нафарга етди[42]. 1935 йилда хотин-қизлар саноат соҳасидаги бутун ишчиларнинг 35,8%ини, шу жумладан, тўқимачилик соҳасида-48,5 фоизни, тикувчилик соҳасида -86,5%ни пойабзал саноати соҳасида-64 фоизни, озиқ-овқат саноат соҳасида-29,2% ташкил этган[43]. Бу йилларда аёлларнинг чадра, паранжини ташлашлари кенгайди. Уларни таълимга жалб қилиш борасида ютуқларга эришилди. 1937 йилда саводсизликни тугатиш мактабларида 273637 хотин-қизлар битирдилар. Қишлоқларда ҳам маҳаллий аҳолидан аёл-агроном, аёл-шифокор, аёл-ирригатор, аёл-ўқитувчи каби касб эгаларининг кўпайиши ижобий ҳолатдан далолат эканлиги раҳбарият томонидан уқдирилган. Ўзбекистон саноатида аёллар меҳнатининг солиштира салмоғи ортиб бориб, 1937 йилда 36,2 фоизга етди ва 30000 нафар аёллар раҳбарлик лавозимида ишлади[44].

1938 йил 20 майда Ўз КП(б) МҚнинг «Хотин-қизлар ўртасидаги ишлар тўғрисида» қарорида хотин-қизларнинг малакасини ошириш, моддий-маиший шароитини яхшилаш, уларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш орқали ишлаб чиқаришга жалб қилишни кенгайтириш масалалари акс этган эди. Чунки Ўзбекистонда ишчи кучи етишмаслигидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бўш ўринларни тўлдириш, янги корхоналар, муассасаларни ишчилар билан таъминлашни аксар партия-совет раҳбарлари хотин-қизлар ҳисобига тўлдиришни таклиф этган. Ишчилар синфи сафларини тўлдиришнинг асосий манбаларидан бири-уй бекалари бўлган аёллар ҳам эди.

Ўзбек аёлларининг меҳнатсеварлиги, илмпарварлиги фан ва маданият соҳаларида ҳам яққол номоён бўлди. 1937 йилда Ўзбекистонда биринчи бор бўлган олима аёллар конференциясида 400 дан ортиқ аёллар қатнашган. Улар орасида биринчи ўзбек аёлларидан кимё фани соҳасида тадқиқот олиб борувчи М.Хожинова, З.Саидносирова, тиббиёт фанлари соҳасида З.Умидова ва бошқалар бор эди. Ўрганилаётган даврда З.Саидносирова химия фанлари номзодини олиш учун диссертация химоя қилди. Р.Мирсоатова, З.Умидова, М.Ашрабовалар тиббиёт фанлари номзоди, Ҳ.Сулаймонова юридик фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлдилар. Ҳ.Сулаймонова Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги даражасига эришиб, юстиция министри лавозимида фаолият олиб борган. Фан-техника тараққиёти ҳам совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқарди. Хусусан фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш-партия иқтисодий стратегиясининг асосий масаласи бўлиб, бусиз иқтисодиётни жадаллаштиришда кутилган натижаларга эришиб бўлмаслигини КПССнинг XXVII съездида алоҳида таъкидланган эди.

Саноат ишлаб чиқаришда хотин-қизлар фаоллигини ошириш мақсадида ўзбек хотин-қизлари халқ хўжалигинининг турли соҳалари бўйича ўрта махсус малакага эга бўлиш учун билим юртларини битириб чиқдилар. Саноатга хотин-қизларнинг жалб қилиниши натижасида 1940 йилга келиб маҳаллий миллат вакилларида саноатда ишчиларнинг 40,7 %ини аёллар ташкил этди. Ўзбекистон саноат корхоналарида 20 минг хотин-қиз ишчи (улардан 16 минги ўзбек)ларнинг барчаси саноат соҳаларини ўзлаштириб малакали мутахассислар бўлди[45]. Шу билан биргаликда саноатнинг оғир меҳнат талаб қилдиган соҳаларида ҳам аёлларнинг зўриқиш билан ишлаши оқибатида ижтимоий муаммолар пайдо бўлди. Аёллар ва болалар ўртасида турли касалликларнинг келиб чиқиши, ишчи аёлларнинг ишлаш шароити қониқарсиз даражадалиги сабабли саноат корхоналаридан кетиш ҳоллари ҳам рўй берди. Хотин-қизлар меҳнатидан самарали фойдаланган ҳолда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик режаларини

бажаришга интиланган компартия уларнинг оиладаги ижтимоий мавқеини ўзгартирди. Шунингдек, аёлларга тўланадиган меҳнат ҳақи эркаклар маошидан 25-30% кам тўланганлиги[46]. меҳнат қилиш борасида эса эркаклар билан тенглаштирилиши юқоридаги мулоҳазаларнинг тасдиғи бўлди. Ишчи-аёлларнинг саноат корхоналари ва ташкилотларда иштироки, имтиёзларсиз куч билан меъёрдан ортиқ ишлаши, ташкиллаштирилган меҳнат мусобақаларида кенг иштироки уларнинг сиёсий онгига берилган баҳо бўлганлиги боис қаттиқ меҳнат қилди. Аслида бу ҳолат аёлларни давлатга қўшимча ишлаб беришга мажбурлаш тури эди.

Хотин-қизлардан халқ хўжалиги мутахассислари қилиб тайёрлаш жараёнида уларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ҳунар-техника билим юртларининг ҳамда олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларига жалб қилинган. 1940 йилда ишчи ва хизматчи аёллар сони республика ишчиларининг 40,7 фоизини ташкил этди[47]. Аёллар давлат бошқарувида ҳам қатнашди. СССР Олий Советининг депутатлари этиб 14 аёл, 92 аёл ЎзССР Олий Советининг депутатлари этиб сайланган. 13835 нафар маҳаллий аёллар вилоят, шаҳар, туман ва қишлоқ советлари депутатлари этиб сайланган[48]. Шу тариқа 1925-1940 йилларда совет ҳукумати томонидан аёлларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, уларнинг таълим олишига эътибор бериши, раҳбарлик лавозимларига кўтаришга қаратилган бўлса, кейинчалик аста-секин бу кўрсаткичлар ҳисоботларда акс эттирилмай қолди. Бу ҳолнинг юзага келиши «СССРда хотин-қизлар масаласини ҳал этиш» бўйича янги концепция ишлаб чиқилгани билан боғлиқ. Аёллар аввалгидек, раҳбарлик лавозимлари, депутатлик ўринларига квотасини сақлаб қолган бўлса-да, аста-секин бу масалаларга сиёсий аҳамият бермай қўйилди. «Хотин-қизлар масаласи ҳал этилган», деб топилди.

Хулоса қилиб таъкидлаганда, совет ҳукумати хотин-қизларни саноат ишлаб чиқаришига жалб этиш орқали халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик режаларини уларнинг ҳам меҳнати ҳисобига бажаришга интилди. Коммунистик мафкуранинг ҳужумкор ҳаракати натижасида хотин-қизлар ижтимоий фаоллиги янада ошди. Хотин-қизлар давлат ва жамият ривожига ўз ўринлари борлигини англай бошлади. Жамиятдаги ижтимоий фаоллик оқибатида ўзбек хотин-қизлари миллий, анъанавий турмуш тарзидан бироз бегоналашди. Халқ хўжалигида иштирок этган хотин-қизлар турмушнинг барча жабҳаларида эркак ва аёлнинг тенглиги учун ҳаракатлари оқибатида оғир жисмоний меҳнат талаб қиладиган соҳаларда ҳам ишлади. Бу ҳолатлар меҳнатни муҳофаза қилишнинг норма ва қонунларига зид эканлигини кўрсатиб, жамиятда хотин-қиз

ишчи кадрлардан иборат бўлган меҳнат қилувчи йирик армиянинг тузилишига эришганлигини кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ЎзР ПДА, 58-фонд, 3-рўйхат, 1530-йиғма жилд, 10-варақ.
2. ЎзР МА, 86-фонд, 2-руйҳат, 27-йиғма жилд, 4-варақ.
3. ЎзР ПДА, 58-фонд, 3-рўйхат, 1530-йиғма жилд, 10-варақ
4. ЎзР ПДА, 58-фонд, 3-рўйхат, 1530-йиғма жилд, 11-варақ
5. Ўзбекистон МА, 86-фонд, 2-руйҳат, 27-йиғма жилд, 4-варақ
6. Ўзбекистон МА, 86-фонд, 2-руйҳат, 27-йиғма жилд, 4-варақ
7. Аминова Р.Х. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане.- Ташкент: 1975. – С.208.
8. Ўзбекистон МА, 86-фонд, 2-руйҳат, 27-йиғма жилд, 17-варақ
9. Ўзбекистон МА, Р-737- фонд, 1-рўйхат, 227-йиғма жилд, 43-варақ
10. ЎзР ПДА, 58-фонд, 14-рўйхат, 1242-йиғма жилд, 19-варақ
11. ЎзР ПДА, 58-фонд, 3-рўйхат, 1530-йиғма жилд, 14-варақ
12. ЎзР ПДА, 58-фонд, 3-рўйхат, 1530-йиғма жилд, 15-варақ
13. Бурхонов Баходир Муродович Ўзбекистон халқ хўжалигини раҳбар ходимлар билан таъминлаш: тажриба ва сабоқлар (20-30 йиллар) -114 бет.
14. Н.Жўраева Ўзбекистонда хотин-қизларга муносабат. –Тошкент: 2013. А.Навой номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 23-бет
15. Ўзбекистон МА, 86-фонд, 2-рўйхат, 26- йиғма жилд, 42-варақ.
16. Ўзбекистон МА, 86-фонд, 2-рўйхат, 27- йиғма жилд, 7-варақ
17. КПСС в резолюциях. Ч.2. с. 89-90.
18. Бурхонов Баходир Муродович Ўзбекистон халқ хўжалигини раҳбар ходимлар билан таъминлаш: тажриба ва сабоқлар (20-30 йиллар) -126 бет.
19. Ўзбекистон МА, 86 фонд, 1-рўйхат, 65-йиғма жилд, 41-42 варақ.
20. ЎзР ПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 742-йиғма жилд, 139-варақ
21. ЎзР ПДА, 58-фонд, 3-рўйхат, 1530-йиғма жилд, 55-варақ
22. ЎзР ПДА, 58-фонд, 3-рўйхат, 1530-йиғма жилд, 53-варақ
23. Н.Жўраева Ўзбекистонда хотин-қизларга муносабат. –Тошкент: 2013. А.Навой номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 23-бет.
24. К.Усмонов, М.Содиқов. Ўзбекистон тарихи (1917-1991). Т.: Шарқ. 2001, 115-б.

25. Х. С. Шукурова. Социализм и женщины Узбекистана. Т.: Узбекистан, 1970, с. 188-189
26. Ийманова Д.А. Роль женщин-работниц в индустриальном развитии Совета и их социальное положение (1925-1930 ГГ.) //Актуальные проблемы экономической деятельности и образования в современных условиях: XX Международная научно-практическая конференция: сборник научных трудов. – Москва: «Сфера», 2025. – С. 11-12.
27. История Узбекской ССР. т.3, с. 551
28. ЎзР ПДА, 58-фонд, 3-рўйхат, 1388-йиғма жилд, 17-варақ
29. Ўзбекистон МА, 86-фонд, 2-рўйхат, 27- йиғма жилд, 34-варақ
30. Ўзбекистон МА, 86-фонд, 1-рўйхат, 5882- йиғма жилд, 102-варақ
31. ЎзР ПДА, 58-фонд, 3-рўйхат, 1570-йиғма жилд, 34-варақ
32. ЎзР ПДА, 58-фонд, 3-рўйхат, 1570-йиғма жилд, 6-варақ
33. ЎзР ПДА, 58-фонд, 3-рўйхат, 1570-йиғма жилд, 36-варақ
34. ЎзР ПДА, 58-фонд, 3-рўйхат, 924-йиғма жилд, 93-варақ
35. Ийманова Д.А. Роль женщин-работниц в индустриальном развитии Совета и их социальное положение (1925-1930 ГГ.) //Актуальные проблемы экономической деятельности и образования в современных условиях: XX Международная научно-практическая конференция: сборник научных трудов. – Москва: «Сфера», 2025. – С. 11-12.
36. КПСС в резолюциях. Ч.2. с. 89-90.
37. ЎзР ПДА, 58-фонд, 7-рўйхат, 907-йиғма жилд, 54-варақ.
38. ЎзР ПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 748-йиғма жилд, 139-варақ.
39. ЎзР ПДА, 137-фонд, 2-рўйхат, 1776-йиғма жилд, 58-варақ.
40. Совет Ўзбекистони ишчилар синфи тарихи И.М.Мўминов тахрири остида. – Тошкент: Фан, 1974. – 131б.
41. Краткий статистический сборник. УзССР. 1936. – Ташкент, 1936. – С. 113.
42. Жўраев М. Повышение культурно-технического уровня колхозного крестьянства Узбекистана в период победы и упрочения социализма.- Ташкент: 2004. – С. 67.
43. Краткий статистический сборник. УзССР. 1936. – Ташкент, 1936. – С. 114.
44. Жўраева Н.Д. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни (XX асрнинг 20—30-йиллари мисолида). Тарих фанлари номзоди... диссертация – Т., 2004.- 38 б.
45. История рабочего класса Узбекистана. -Т.1.-Ташкент: 1964. –С.286.
46. ЎзР ПДА, 137-фонд, 2-рўйхат, 1776-йиғма жилд, 19-варақ.

47. История рабочего класса Узбекистана. -Т.1. –Ташкент: 1964. – 586 б.
48. ЎзР ПДА, 58-фонд, 16-рўйхат, 677-йиғма жилд, 127-варақ.